

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЁШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ  
САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА ФАН, ТАЪЛИМ  
ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КОРПОРАТИВ  
ҲАМКОРЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**ФАРҒОНА - 2016**

Филология фанлари номзоди, доцент  
И.Т.Ҳожалиевнинг умумий таҳрири остида

*Масъул муҳаррирлар:* п.ф.н., доц. Б.С.Сиддиқов, п.ф.н., доц. Н.М.Ўринова,  
ф.-м.ф.н., И.У.Хайдаров, ф.ф.н., доц. Г.Н.Давлятова, ф.ф.н., доц. Д.М.Юлдашева,  
ф.ф.н., доц. Г.Ж.Розиқова.

*Таҳрир ҳайъати аъзолари:* Д.Закирова, И.Туйчиева, Б.Байджанов, С.Эватов,  
Б.Джалалов, Б.Курбонова, З.Бобоева, И.Юлдашев.

#### ТАҚРИЗЧИЛАР:

**Т.А.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор**  
**Н.Ш.Эркабоева – педагогика фанлари доктори, профессор**

**“Ёшларнинг ижодий ва интеллеktуал салоҳиятини оширишда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг корпоратив ҳамкорлиги: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Фаргона, 2016 йил. – 422 б.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 январдаги “Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда халқаро ва Республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси тўғрисида”ги 33-ф-сонли Фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 23 январдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида 2016 йилда ўтказиладиган анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 27-сонли буйруғига асосан 2016 йил 15 март куни Фаргона давлат университети “Ёшларнинг ижодий ва интеллеktуал салоҳиятини оширишда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг корпоратив ҳамкорлиги: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманига мезбонлик қилди.

Мазкур тўшлам иштирокчиларнинг анжуманга тақдим этган материаллари келгусида соҳани ривожлантиришда хизмат қилиши, бакалаврият ва магистратуранинг иқтидорли талабалари, шунингдек, узлуксиз таълим тизимида илмий-ижодий фаолият билан шуғулланиб келаётган педагог кадрларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида тайёрланди.

Анжуман материаллари тўшлами Фаргона давлат университети кенгашининг 2016 йил 26 февралдаги 6 йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.

*Тўшламга киритилган мақола ва тезислардаги факт, рақам ва маълумотларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдирлар.*

□ Фаргона давлат университети, 2016 йил.

## КОНТЕНТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИ (Joomla) ЁРДАМИДА МУЛЬТИМЕДИА ҚўЛЛАНМА ВА ИШЛАНМАЛАРИНИ ЯРАТИШ

Халилов Д.А., Қодиров Э.С

ТАТУ Фаргона филиали

Ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг жаҳондаги ўрнини аниқловчи асосий белгиларидан бири ахборот теле-радио-коммуникацион технологиялардан фойдалана олиши, қўлланиши ва жорий этиланлигидир. Бизнинг давлатимизда бу масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сонли ва бошқа бир қатор қарорларини бажариш юзасидан, олий таълим муассасаларида «Электрон таълим» миллий тармоғи фаолиятини такомиллаштириш ва бошқариш, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини янада фаол жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилган. Шу қарор асосида мамлакатимизда ахборот технологияларига бўлган талабнинг ортганлигини, ахборот тизимида кўплаб сайтлар ва порталларни яратилганини таъкидлаш лозим. Айниқса кутубхона электрон тизимларининг ҳам хажм, ҳам сифат жиҳатдан яхшиланиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунга келиб айни тараққиёт ва ривожланиш даврида дастурий воситаларга бўлган эҳтиёж ортганлиги кузатиш мумкин. Дастурий воситаларнинг турлари бир-биридан қайси дастурлаш тили орқали яратилганлиги ва нима мақсадда хизмат қилишига қараб фарқланади. Ҳозирги глобаллашув жараёнида интернет тизимига бўлган талабнинг юқорилигини ҳисобга олган ҳолда эса интернет тармоғида ишлаш имкониятига эга бўлган дастурларга талаб юқори. Шунинг учун ҳам «клиент-сервер» технологияси бўйича нафақат бутун дунёда балки мамлакатимизда дастурий маҳсулотларга қизиқиш, уни ўрганишга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Дастурлаш тилларидан айнан тармоқда ишлашга ёрдам берувчи ишланмаларнинг аксарият қисми *PHP* ҳамда *JavaScript*да яратилади. Улардан сайт ёки бир неча сайтларни ўзида бирлаштирувчи портал ҳосил қилишда фойдаланиш мумкин. Мамлакатимизда ҳозирги кунга келиб кўплаб сайтлар сонининг ортиб бораётганини статистик маълумотлардан кўришимиз мумкин. Сайт ёки порталларни яратишда нафақат *PHP* ва *JavaScript* дастурлаш тилларини билиш, балки уларнинг комбинациясида ҳосил қилинган ва автоматик маълумотларни генерация эта олиш хусусиятига эга бўлган *CMS* тизимларидан ҳам фойдаланиш мумкин. *CMS (Content Management System* – контентларни бошқариш тизими) – бу махсус *WEB* дастур бўлиб, бир неча оддий босқичлардаги амалиётларни бажаргандан сўнг тўла куч билан ишлаш оладиган сайт яратиш имкониятини беради. Бундай турдаги веб дастур, худди компьютерлар учун мўлжалланган дастурлар сингари, бир неча босқичларда фойдаланувчидан сайт ҳақида бошланғич маълумотларни йиғиб олади ва босқичма-босқич сайтнингизни автоматик тарзда ташкил этиб беради.

Дастурни ўрнатиш жараёнининг ниҳоясида сиз киритган маълумотларда таянган, ўзингиз хоҳлагандек сайт автоматик тарзда яратилади. Агар сайт яратишни режалаштираётган бўлсангиз ва ўз сайтнингиз учун қайси *CMS* тўғри келишини билмаётган бўлсангиз, сайтнингизнинг хажми ва у орқали фойдаланувчилар қандай маълумотларни олишини режалаштираётганингизга қараб ўзингизга маъқул бўлган *CMS* ни танлаш керак. *CMS* танлаш жараёнида фақат танламоқчи бўлган *CMS*нинг шаблонларига, сайтнинг ташқи кўринишини белгилайдиган жиҳатларигагина эмас, балки сайтнинг енгил ишлаши, хостингнингизда кўп жой олмаслиги (агар бунинг зарурати бўлса), қидирув автомат машиналарида осон рўйхатдан ўта олиши, фойдаланувчилар учун қулайлиги, турли браузерларда кўриниши ўзгармаслиги каби

муҳим жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш керак. CMS тизимларидан WordPress, ушбу CMS асосан блог (бирор шахс, жой ёки алоҳида мавзуга бағишланган, тез-тез янгилаб туриладиган, қисқа мақолалар ва маълумотлар киритиб бориладиган ўрта ҳажмдаги сайт) учун мўлжалланган. Аммо бугунги кунга келиб бу CMS шу қадар мукамаллашиб кетдики, ҳозирда уни ҳатто портал сайтлар учун ҳам ишлатилмоқда. Асосий CMS дастурдан ташқари, WordPress учун миллионлаб шаблонлар (сайт кўринишлари) ва плагинлар (дастур ичида ишловчи кичик қўшимчалар) яратилган. Simple Machines дастури эса форум ташкил этиш учун жуда қулай CMS. Унда фойдаланувчилар рўйхатдан ўтишлари, мавзулар яратишлари, мавжуд мавзуларда ўз фикрларини билдириш орқали катнашишлари ва бошқаларнинг фикрларини тўлдиришлари мумкин. CMS Ucoz каби катта имконият ва кучга эга бўлмаса ҳам, оддий даражадан юқорироқ бўлган катта форум сайтларни бемалол бошқара олади. Форум учун ўзбек тилини ўрнатиш имконияти мавжуд, аммо ҳозирча ўзбек тилидаги расмий CMS ишлаб чиқилмаган. Тилини фақат дастурга қўшимча киритиш орқали ўзгартириш имкони бор. Бугунги кунда Simple Machines форум сайтлар учун енгил ишлаши, ўрнатилиши учун кўп жой талаб қилмаслиги ва энг асосийси, бепул бўлганли, сабабли ҳам кўп сонли сайтларнинг танловига айланган. Ушбу CMS тизимларидан биз тўлиқ ўзимиз учун етарли бўлган маълумотларни жамлашимиз мумкин, лекин унинг имкониятларини юқори даражада билиш керак ҳисобланади.

Мен учун CMS тизимларидан энг маъқул келгани "Joomla" ҳисобланади. Ҳозирда ушбу тизимнинг бир неча версиялари амалиётга жорий этилган. Joomla! Бу смс асосан катта сайтлар ва порталлар учун мўлжалланган. Оммавийлиги бўйича WordPressдан кейинги ўринда турса ҳам, ишлатиш жуда қулай, ишончли ва бепул CMS ҳисобланади. Дастурни расмий сайти [www.joomla.org](http://www.joomla.org) орқали юклаб олишингиз мумкин. Joomla! CMS учун ҳам кўплаб шаблонлар, "extension" (кенгайтма, плагин)лар яратилган. Joomla! учун ҳам сайтни ўзбек тилига ўтказиш имконияти бор. Бунинг учун дастурни ўрнагиб, ўзбек тилига ўгириш учун махсус тайёрланган кичик дастурни қўшиш кифоя бўлади. Агар биз катта портал яратмоқчи бўлсак, сайтимиз фойдаланувчилари рўйхатдан ўтиб, сайтимизда "фойдаланувчи-сервер" алоқаси кўринишидаги мураккаб амалиётларини бажара олиш керак бўлса, жуда кенг қамровли катта сайт яратмоқчи бўлсак *joomla* (ўқилиши жуумла) биз учун энг яхши танлов бўла олади. Joomla! – сайт бошқариш учун қулай, PHP + JavaScriptда тузилган смс лардан биридир. GNU GPL лицензия орқали тарқатиладиган дастурий таъминот ҳисобланади. Joomla очик кодли бепул смс лар ичида WordPressдан кейин иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, сайт ва порталларни яратиш, уларни сифатли маълумотлар билан тўлдириш ахборот тизимнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Чунки фойдаланувчининг сўрови тизимдан тез ва осон кидириб топилса, бу албатта ахборот ресурслари тизимининг ютуғи ҳисобланади.

## **ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎРТАСИДАГИ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИК: АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЖРИБАСИ**

**Расулов Б., Эгамбердиев А.**

*Андижон давлат университети инновацион маркази ходимлари*

Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий алоқа ўрнатилган, жорий технологиялар асосан олимларнинг илмий ютуқларига асосланиб ташкил этилган тузилмалар инновацион марказ сифатида фаолият кўрсатади. Инновацион марказларнинг муқобили сифатида инновацион парк, илмий парк, технологик парк, тадқиқот парки каби тушунчалар ҳам ишлатилади. Бу тушунчаларнинг ҳаммаси университет(илмий тадқиқот муассаса)ларининг етакчи олимлари томонидан қўлга

## МУНДАРИЖА

<b>СЎЗ БОШИ</b> .....	3
<b>Онаркулов К.Э.</b> Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси .....	5
<b>Тургулов С.Т., Тожибоева Х.М.</b> Ёшларда онгли тартиб-интизомни тарбиялашнинг ўзига хос жиҳатлари.....	6
<b>Ахмадалиев Ю.И.</b> Олий таълим тизимида малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълими сифатини кўтариш истикболлари .....	8
<b>Карабаева Р.</b> Ёшларнинг интеллектуал фаоллиги – таракқиёт гарови .....	10
<b>Халилов Д.А., Қодиров Э.С.</b> Контентни бошқариш тизимлари (joomla) ёрдамида мультимедиа қўлланма ва ишланмаларини яратиш .....	13
<b>Расулов Б., Эгамбердиев А.</b> Фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик: Андижон давлат университети тажрибаси.....	14

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

<b>Азамхонов Б.С., Сотволдиев Х.И.</b> Фан ва техника ривожланишида ахборотлашган жамиятнинг шартлари .....	18
<b>Abdulazizova N.A.</b> Saidrasul Saidazizov ustoz-shogird an`analari asoschisi .....	19
<b>Asqarov K., Asqarova D.</b> Uzluksiz ta`lim tizimida yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning ma`naviy asoslari.....	20
<b>Абдулазизова Н.А., Абдурахмонов Х.Х.</b> Талабаларнинг педагогик саводхонлигини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonесида” китобининг ахамияти .....	22
<b>Акбаров Б.</b> Ўқувчиларда касб танлашга нисбатан ижтимоий эҳтиёжни шакллантириш .....	23
<b>Akbarova M.X., Obidov M.V.</b> Biologiya o`qituvchisining metodik tayyorgarligiga qo`yiladigan zamonaviy talablar .....	25
<b>Abdullayev S., Ra`imova Y., Abdullayeva H.</b> Globallashuv sharoitida axborot xavfsizligini oldini olishning pedagogik muammolari .....	27
<b>Boboyeva Z., Quvondiqova I.</b> Tasviriy san`atda insonning ma`naviy barkamolligi masalasi .....	29
<b>Бадалова М.А.</b> География таълимида экскурсия дарсларининг ўрни .....	30
<b>Ганиева Г., Собирова С.</b> Интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашда корпоратив ҳамкорликнинг ахамияти .....	32
<b>Джалалов Б.Б.</b> Ўқитувчиларда ижодкорлик қобилиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари .....	33